

2-26-2020

THE IMPORTANCE OF USING THE KEYS-STADI INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGY METHOD IN TRAINING THE IMAGE MODULE OF GEOMETRIC SHAPES

Dilfuza Islomovna Mamurova
teacher, BSU

Nigora Istamovna Ibatova
teacher, BSU

Dildora Marufovna Badieva
teacher, BSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Mamurova, Dilfuza Islomovna; Ibatova, Nigora Istamovna; and Badieva, Dildora Marufovna (2020) "THE IMPORTANCE OF USING THE KEYS-STADI INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGY METHOD IN TRAINING THE IMAGE MODULE OF GEOMETRIC SHAPES," *Scientific reports of Bukhara State University*.

Vol. 4 : Iss. 1 , Article 31.

DOI: 10.52297/2181-1466/2020/4/1/5

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss1/31>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК:373:371.036:371,71/76

**ГЕОМЕТРИК ЖИСМЛАРНИ ТАСВИРЛАШ МОДУЛИНИ ЎҚИТИШДА
ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН КЕЙС-СТАДИ
МЕТОДИКАСИНИ ФЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

**ВАЖНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕТОДА ИННОВАЦИОННЫХ
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ КЕЙС-СТАДИ В ОБУЧЕНИИ МОДУЛЯ
ИЗОБРАЖЕНИЯ ГЕОМЕТРИЧЕСКИХ ФИГУР**

**THE IMPORTANCE OF USING THE KEYS-STADI INNOVATIVE EDUCATIONAL
TECHNOLOGY METHOD IN TRAINING THE IMAGE MODULE OF
GEOMETRIC SHAPES**

Мамурова Дилфуза Исломовна

БухДУ ўқитувчи,

Ибатова Нигора Истамовна

БухДУ ўқитувчи,

Бадиева Дилдора Маъруфовна

БухДУ ўқитувчи

Mamurova Dilfuza Islomovna

teacher, BSU

Ibatova Nigora Istamovna

teacher, BSU

Badieva Dildora Marufovna

teacher, BSU

Аннотация. Мазкур мақолада тасвирий санъатнинг асоси қаламтасвир экан, бўлажак архитектор бу фанни яхши ўзлаштириши, геометрик шаклларни идрок этиши, уларни тасвирлаш малакасига эга бўлиши, улардан натюрморт композициясини тузишни ўрганиши, уларни конструктив чизиқлар ёрдамида тасвирлашни билиши, улардан бириктирилган композицияни тасаввур қилиб тасвирлаш каби билимларга эга бўлиши уларнинг мутахасисликни амалга оширишида айна муддаодир. Бу фанда КЕЙС-СТАДИ технологиясини қўллаш аҳамияти ҳақида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: Кейс стади, асосий, манбаи, фан, метод, мавзу, шахс, технология, билим.

Аннотация. В этой статье описываются основы изобразительного искусства графика, так как будущие архитекторы должны овладеть этой наукой, понять геометрические фигуры, иметь возможность визуализировать их, научиться рисовать натюрморты и визуализировать композицию своих композиций. В данной работе показывается важность использования технологии keys-stadi в преподавании этого предмета.

Ключевые слова: keys-stadi, базовый, источник, наука, метод, тема, обучающий, технология, знания.

Annotation. This article describes the basics of fine art, so that future architects will be able to master this science, understand geometric shapes, be able to visualize them, learn how to draw still lifes and visualize the composition of their compositions. It is important to conduct a specialty. This subject expresses the importance of using case study technology.

Key words: case study, basic, source, science, method, theme, teaching, technology, knowledge.

Кириш. Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқланди. Педагогнинг инновацион фаолияти деганда таққослаш ва ўрганиш орқали амалдаги ўз педагогик фаолиятини англаш, янада юқори натижаларга эришиш мақсадида ўқув-тарбия жараёнини ўзгартириш ва ривожлантириш, янги билим, бошқа бир сифатдаги педагогик тажрибага эга бўлишдаги фаолияти тушунилади.

Педагогик технология шундай билимлар соҳасики, улар ёрдамида 3-минг йилликда давлатимиз таълим соҳасида туб бурилишлар юз беради, олий мактаб ўқитувчиси фаолияти тамоман янгиланади, талаба ёшларда ҳурфикрлик, билимга чанқоқлик, ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари тизимли равишда шакллантирилади. Педагогик технология ўқитиш жараёнининг ўзаро боғлиқ қисмларини ташкилий жиҳатдан тартибга келтириш, босқичларни қуриш, уларни жорий этиш шартларини аниқлаш, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадга эришишни таъминлайди. Қалам тасвир фанида КЕЙС-СТАДИ методикасини.

Технологик хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда кейснинг тавсифномаси:

Мазкур кейснинг асосий манбаи кабинетли, лавҳали бўлиб, фан дастуридаги мавзулардан келиб чиққан. Кейснинг асосий объекти шахсга йўналтирилган. Бу ташкилий институционал кейс бўлиб, маълумотлар вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача, тизимлаштирилган бўлиб, тренинга мўлжалланган мавзу бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим этиш, уларни ҳал этиш, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган.

Бу кейсдан қаламтасвир фанидан дарс қолдирган талабалар учун дарсни қайта ўзлаштириши учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

КЕЙС: “Гипсдан ишланган геометрик шакллардан тузилган натюрморт” эскизини тасвирлаш.

Тасвирий санъат йўналишининг асоси бўлган қаламтасвир фанининг амалий ва назарий асосларига таянган бўлиб, табиатдаги барча нарса буюмлар геометрик шакллардан иборатдир. Қаламтасвир фани тасвирий санъатнинг барча турларининг асоси ёки алифбоси дейиш мумкин. Қаламтасвирда бу каби мавзулар орқали талабаларда тасвирий санъат тарихи, перспектива ва унинг тарихи, уфқ чизиғи, кўриш нуқтаси ва кўлами, шаклларнинг конструктив чизиғи ва уларни идрок қилиш, гипсли буюмларни штрихлашда уларни сезиш, ҳис этиш ва оч тўқ тонларда ишлаш малакасини эгаллашга қаратилган.

Тавсия этилган кейсни ечиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон яратади:

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;
- муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гуруҳий таҳлилида билим ва кўникмаларни қарор топшириш;
- мантикий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш.

Кейсни амалга оширишга доир топширик

Кейс-1. Талабаларга геометрик гипсли шакллар берилди ва бу шакллардан натюрморт композициясини тузиб, бу натюрмортни кўриш нуқтасидан пастда, баландда, ўртасидан тасвирланган ҳолатини тасвирлаш вазифасини топширилади.

Саволлар:

1. Бу жараёнда ишлашда талабаларга қайси фанлардан олинган билимлар ёрдам беради?
2. Перспектива нима?
3. Табиатда перспектив кўринишларни эсланг.
2. Шарга табиатда қандай буюмлар ўхшаш?

SAN'ATSHUNOSLIK

3. Цилиндр табиатдаги қандай буюмларга ўхшаш?

4. Тасвирлашда геометрик шаклларни ҳажмли қилиб ишлашда бизга қайси тасвирий воситалар ёрдам беради?

5. Қандай штих турлари бор?

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.


2. Талаба гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.

3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ дахлдор омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.

4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил эскиз чизади.

Ўқитувчининг ечими: Берилган шаклларни яхшилаб ўрганиб, топшириқдаги шакллар ҳажмий шаклларга штрихлаш орқали амалга оширилади. Бунда кур-соя муносабатлари, оч-тўқ тонли штрихлаш орқали бажарилади. Қолаверса бунда турли қаттиқ ва юмшоқликдаги қаламлардан фойдаланиш керакли вазифани тасвирлашда муҳим воситадир. Штрих турлари чизиқли, нуктали, доғсимон бўлиши мумкин. Буларнинг қайси биридан қўлланишидан қатъий назар ҳажмий буюмлар тасвирланади. Тасвирлашда кўз баландлигига қараб, тасвирловчининг ўтирган жойи ва нуқтасини аниқлаш мумкин. Перспектив қисқаришлар инобатга олиниши тасвирнинг ҳаққоний чиқишига ёрдам беради.

Кўз баландлигидан юқоридаги ҳолат



Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдироти учун намуна Кейс

№	Муаммо	Келиб чиқиш сабаби	Ечими 1

Амалий вазиятни босқичма-босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича талабаларга услубий кўрсатмалар

Иш босқичлари	Маслаҳатлар ва тавсияномалар
Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввало кейс билан танишиш. Мавзу ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун мавжуд ахборотни диққат билан ўқиш чикиш. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилмаслик.

Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезон ва кўрсаткичлари
Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезон ва кўрсаткичлари

№	Талабалар рўйхати	Асосий муаммо ажратиб, тадқиқот объекти аниқланган мак. 6 б	Вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари аниқ кўрсатилган мак. 4 б	Вазиятдан ечимлари аниқ кўрсатилган мак10б	Жами мак.20.6

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, архитектор биноларни лойиҳалар экан, бу жараёнда дастлаб эскиз чизади. Табиатдаги барча буюмлар геометрик шакллардан иборат экан, бу мавзунини ўзлаштиришда шаклларни яхши идрок этиши айни муддаодир.

АДАБИЁТЛАР

1. Mirziyoyev Sh.M. *Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik - har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2016 yil yakunlari va 2017 yil istiqbollari bag'ishlangan majlisidagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining nutqi. //Xalq so'zi gazetasi. 2017 yil 16 yanvar, №11.*
2. Abdullaeva K. *Yangi pedagogik texnologiyalar. //Boshl. Talim, J. № 4, 1999. 8-9-b.*
3. Sayidahmedov N. *Yangi pedagogik texnologiyalari. - T.: Moliya, 2003.*